



POSTDA



O'zbekiston Respublikasi
IV nashri

2010-yil

Pa	Ju	Sh	Ya	Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh	Ya	Du	Se	Ch	Pa	Ju	Sh							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31

Июль

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan • E-mail: urmvd@inbox.uz • №29 (3870)

Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги олдидан

Қўшиқларда Ватан мадҳи

Ватан нима? У шундай илоҳий сўзи, уни эшитиш ҳамонқ юраклар жўшиб, кўнгилларда меҳр-муҳаббат чечаклари гўнча ота бошлайди. У шундайин муқаддас тушунчаки, қалб ҳароратидан вужудимиз таскин топади. Ватанини оқ сут бериб ўстирган онага менгаймиз.

Дарҳақиқат, Ватан – муқаддас. Биз киндик қони шу тупроққа тўкилган юрт фарзандлари, ўзимизни Ватандан айро тасаввур эта олмаймиз. Ватан туйғуси, Ватан меҳри шундай азиз ва улуг неъматки, ҳаёт йўллариди, оғир ва машаққатли синовларда бизга ҳамиша куч-қувват бахш этиб, мардлик ва жасоратга даъват этиб туради. Шунинг учун она диёримизга бўлган чексиз меҳрни ихсдор этиш, гўзал ўлкамиз мадҳини тараннум этиш, халқимиз, авваламбор, ёш авлод қалбиди шундай олижаноб туйғуларни қарор топтириш, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга катта аҳамият қаратиш керак. Ватанини ҳар қанча қадрласак, шўрлар, қўшиқлар орқали мадҳ этсак оз. Зеро, она-Ватан ҳақидаги бирор қўшиқни эшитишимиз билан қалбимизни ажиб ҳаяжон чулғайди, бўғзимизга бир нарса тикилгандек бўлади. Фақат чин юракдан, дилдан қуйилган ашулагина тезда кишини мафтун қилади.



Суратда: кўрик-танловнинг ғолиблари.

Мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз – халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустаҳкамланиб бораётди.

Маълумки, энг улуг, энг азиз айём – мустақиллик тан-

таналари мамлакатимизда катта шодийна, кўтаринчилик билан нишонланиши аънанга айланган. Озод ва обод, энг муҳими, тинчлик-осойишталик ҳукмрон юртга байрамлар ярашади. Шу маънода, Президентимизнинг шу йил 30 июнда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриши ва уни

ўтказиш тўғрисида»ги қарори беқиёс аҳамиятга эга. Қарорда улуг байрамимизнинг жорий йилда бутун юрт бўйлаб «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган гоясосида нишонланиши курсатилган. Бунинг замирида ҳам истиқлол йилларида ҳаётга татбиқ этилган барча соҳадаги ислохотлар инсон учун, унинг манфаатлари учун эканлиги ва бу борада эришилган

лик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадийй етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ва бундай асарларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантиришдан иборатдир. Бу эса ўз навбатида, янгидан-янги ижодкорларни кашф этишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида ҳам ушбу кўрик-танлов жой-

– Бу кўрик-танловнинг эл-юрт осойишталиги посбони бўлиши ички ишлар идоралари ходимлари орасида ҳам ўтказилиши унинг қадр-қиммати, мазмун-моҳияти ва салоҳиятини янада оширади, десак муболага бўлмайди. Чунки, Ватан тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида кечани кеча, кундузи кундуз демай хизмат қилаётган оловқалб ходимларимиз Ватан мадҳини ҳам

ри Сирождидин Саййид ҳакамлар ҳайъати раислик қилди. Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раисининг ўринбосари Ҳабибулла Раҳимов, Ўзбекистон халқ ҳофизини ўзининг раиси Сирождидин Саййид, вазирилик ШТБХ бошлиғи ўринбосари, генерал-майор Махсет Бабаиязовлар эълон қилиши ва муқофотларни эгаларига тантанали равишда топширишди.

лиги ва осойишталиги йўлида шараф билан хизмат қилаётгани билан бирга ширали, ёқимли овоз соҳиби эканликларини намойиш этишди.

Ниҳоят энг ҳаяжонли дақиқалар етиб келди. Кўрик-танлов ғолибларини республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Алишер Мирзаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирождидин Саййид, вазирилик ШТБХ бошлиғи ўринбосари, генерал-майор Махсет Бабаиязовлар эълон қилиши ва муқофотларни эгаларига тантанали равишда топширишди.

Зикрилла Неймат шўри, Али Ниязимбетов мусикаси асосида «Ватаним» деб номланган қўшиқни жуда жозибали ва чиройли ижро этган ИИБ Ашула ва рақс ансамбли аъзолари фахрли биринчи ўринга муносиб, деб топилди.

Иккита иккинчи ўринни эса ИИБ Ашула ва рақс ансамбли хонадалари сафдорлар Умид Канотов ва Юлдуз Турдиевалар Бобур Бобомурод шўри, Умид Азизхон мусикаси билан ижро этилган «Муқаддас Ватан» номли қўшиғи учун ҳамда Утесин Халиев шўри, Нажираддин Мухаммадинов мусикаси билан ижро этилган «Муқаддас Уатан» ашуласи учун Қорақалпоғистон Республикаси Бериуний тумани ИИБ ҲООГ катта инспектори, майор Гулнара Кабуловалар эгаллашди.



Суратда: Ҳакамлар ҳайъати раиси, Ўзбекистон Халқ шoirи Сирождидин Саййид ИИБ Ашула ва рақс ансамбли раҳбари Учқун Тиллаевга I даражали диплом ва фахрли 1-ўринга ажратилган совринни топширмада.



МИННАТДОРЛИК ТАНЛОВ ЮКСАК САВИЯДА ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. А. Матлюбов номига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидан миннатдорлик мактуби келди. Унда жумладан, қуйидаги сатрлар битилган:

«Ҳурматли Баҳодир Аҳмедович!

Мухтарам Президентимиз раҳбарлигида она Ўзбекистонимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларда, Ватанимиз тинчлик-осойишталиги, халқимиз хотиржамлигини сақлашда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Зиммаларидаги масъулият ва вазифани ҳамиша юксак мақомда бажариб келаётган ички ишлар ходимлари ўртасида Мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг якуний босқичида янраган қўшиқларнинг бадийй савияси, ижро маҳорати ва мусикаларнинг

ғоятда дил билан танлангани – санъат соҳасида ҳам посбонларимизнинг дадил қадамларидан далolat бериб турибди.

Мазкур кўрик-танловнинг юксак бадийй ва сиёсий савияда ташкил этилганлиги учун Ички ишлар вазириликка, барча масъул ходимлар ва иштирокчиларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси номидан миннатдорлик билдирдимиз.

Ишларингизда доимо омад, эл-юрт тинчлиги йўлида Сизларга куч-қувват ва шижоат ҳамиша ҳамроҳ бўлишига тилақдошимиз!

Сирождидин САЙЙИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари».

ютуқлардан фахрланиш туйғуси муҳасамдир. Бинобарин, тинчлик қадрини осойишталик посбонлари янада теранроқ ҳис этишади.

Юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқлар, мусикий асарларни танлаш ва рағбатлантириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг қарори ҳамда вазириимиз генерал-лейтенант Б. Матлюбовнинг буйруғига мувофиқ ички ишлар идоралари тизимида ҳам «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Бу танловни ўтказишдан асосий мақсад – ёш авлод қалбиди она-Ватанини улуглаш, унинг шону шавқатини юксалтиришдек эзгу орау-умидларни қарор топтириш, Ватанга савдоқат, юрт тақдирига дахлдор-

ларда қизгин давом этаётир. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликка Маданият саройида ушбу кўрик-танловнинг Ўзбекистон Республикаси ИИБ миқёсидаги якуний босқичи бўлиб ўтди.

Кўрик-танловни республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Алишер Мирзаев кириш сўзи билан очиб, аввало иштирокчиларни тобора яқинлашиб келаётган истиқлолнинг 19 йиллик байрами билан табриклади. Сўнгра Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспорт ИИБ миқёсида бўлиб ўтган босқичда биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган ходимлар ўзаро беллашдилар. Улар ижросидаги куй-қўшиқларга нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳолисона баҳо берилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, халқ шои-

киёмига етказиб қуйлашга қодир. Халқимизда «Кўшиқ тинглаб ўсган боланинг қалби эзгуликка эш бўлади», деган нақл бор. Дарҳақиқат, инсон қалбиди эзгу туйғуларнинг уйғонишида куй ва қўшиқнинг роли гоят беқиёсдир. Шу боисдан ҳам республика миқёсининг барча жойларида, турли соҳаларида ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови ҳақиқий қўшиқ байрамига айланмоқда.

Ушбу кўрик-танловда жойларда бўлиб ўтган босқичда биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган ходимлар ўзаро беллашдилар. Улар ижросидаги куй-қўшиқларга нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳолисона баҳо берилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, халқ шои-

ри Сирождидин Саййид ҳакамлар ҳайъати раислик қилди. Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раисининг ўринбосари Ҳабибулла Раҳимов, Ўзбекистон халқ ҳофизини ўзининг раиси Сирождидин Саййид, вазирилик ШТБХ бошлиғи ўринбосари, генерал-майор Махсет Бабаиязовлар эълон қилиши ва муқофотларни эгаларига тантанали равишда топширишди.

Зикрилла Неймат шўри, Али Ниязимбетов мусикаси асосида «Ватаним» деб номланган қўшиқни жуда жозибали ва чиройли ижро этган ИИБ Ашула ва рақс ансамбли аъзолари фахрли биринчи ўринга муносиб, деб топилди.

Иккита иккинчи ўринни эса ИИБ Ашула ва рақс ансамбли хонадалари сафдорлар Умид Канотов ва Юлдуз Турдиевалар Бобур Бобомурод шўри, Умид Азизхон мусикаси билан ижро этилган «Муқаддас Ватан» номли қўшиғи учун ҳамда Утесин Халиев шўри, Нажираддин Мухаммадинов мусикаси билан ижро этилган «Муқаддас Уатан» ашуласи учун Қорақалпоғистон Республикаси Бериуний тумани ИИБ ҲООГ катта инспектори, майор Гулнара Кабуловалар эгаллашди.

Учта учинчи ўринни ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби клуб бошлиғи, майор Савриддин Наҳмиев Сирождидин Саййид шўри, Надим Норхўжаев мусикаси билан ижро этилган «Ватан» номли қўшиғи учун, Транспорт ИИБ ШТБХ МТБ катта инспектори, капитан Беғали Махмадалиев Заминий шўри, Рустам Мухаммадиев мусикаси билан ижро этилган «Борим Ватан, жоним Ватан» деган қўшиғи учун ҳамда Фаргона вилояти ИИБ ҲООБ катта инспектори, майор Хусниддин Юлдашев Нормурод Нарзуллаев шўри, Хусниддин Юлдашев мусикаси билан ижро этилган «Гул дёр фарзандиман» номли қўшиғини маҳорат билан ижро этгани учун қўлга киритишди.

ТАЙИНЛАНДИЛАР

Анджон вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари – ижтимоий ва молиявий таъминот хизмати бошлиғи, подполковник Уктамжон Зоиждонович АБДУРАЗЗАКОВ.



Уктамжон Зоиждонович Абдуразаков 1961 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1987 йилда Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани милиция бўлими ЖК тазкор вакили лавозимидан бошлаган. 1989–2001 йилларда Анджон вилояти Асака тумани ИИБ ЖК тазкор вакили, Асака шаҳар ИИБ ЖКБ катта тазкор вакили, Асака тумани ИИБ тергов гуруҳи терговчиси, катта терговчиси, Анджон вилояти ИИБ тергов бўлими терговчиси, катта терговчиси, Қўрғонтепа тумани ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, Жалолқудук тумани ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, 2001–2010 йилларда Анджон шаҳар ИИБ бошлиғи, Асака шаҳар ИИБ бошлиғи, Анджон вилояти ИИБ хузуридаги Қўриқлаш бўлими бошлиғи, лавозимларида хизмат қилган.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи, полковник Сапарнияз Оримбаевич ХОЖАНАЗАРОВ.



Сапарнияз Оримбаевич Хожаназаров 1963 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1988 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар ИИБ тергов бўлими терговчиси лавозимидан бошлаган. 1991–1997 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ Тергов бошқармаси катта терговчиси, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими тазкор вакили, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЖКБ катта тазкор вакили, бўлими бошлиғи, бўлим бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ҚР ва ТҚБ катта терговчиси, бўлим бошлиғи, 1997–2010 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ бўлими ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, Қўнғирот тумани ИИБ «Жаслик қўргони» милиция бўлими бошлиғи, Хўжайли тумани ИИБ бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, Нукус шаҳар ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

Қашқадарё вилояти ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, подполковник Дилшод Джораевич ТИЛЛАХОДЖАЕВ.



Дилшод Джораевич Тиллаходжаев 1968 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент политехника институтини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғиндан сақлаш бошқармаси муҳандиси лавозимидан бошлаган. 1997–2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁСБ катта муҳандиси, сектор бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁСБ Ёнғин техника лабораторияси бошлигининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

Эъзоз

Ватан тинчлиги, эл-юрт осойишталиги йўлида хизмат қилиш улкан шараф. Ана шундай касб эгаси бўлишни ҳамма ҳам ҳавас қилади. Аммо бунинг учун фақатгина ҳаваснинг ўзи kifоя эмас. У қандайдир журъат, жасорат ва матонат каби хислатларни талаб этади.

МАТОНАТ СОҲИБЛАРИ

Феъл-атворида шундай сифатлар мўжассам бўлган кишиларгина ички ишлар тизимларида ишлаб, ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўла олади. Наманган вилоят ички ишлар идораларида умрининг кўп йилларини эл-юрт хизматига бағишлаб, эътибор қозongan фидойилар бисёр.

Уларнинг ҳар бири ўз хизмат бурчларини бошлаганларида куч-қувватга тўлган навиқрон йиғитлар эди. Утган йиллар мобайнида улар хизматларида тобланиб, бурчларига масъулият билан ёндашишни виждон амри деб билдилар. Шунинг учун ҳам фаолияти даврида сафдошларига ибрат бўлишди. Уларга кўрсатилган эъзоз ва эҳтиром фаолиятлариغا берилган муносиб баҳо эди.

Жумладан, ИИБ ЁХБ бош мутахассиси, подполковник Аманкул Бағишев, Уйчи тумани ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи, майор Алишер Расулов, Давлат фелдъегерлик хизмати вилоят бўлими катта алоқа офицери, капитан Набижон Махаммадҷонов, Наманган тумани ИИБ профилактика инспектори, капитан Хусниддин Убайдуллаев, вилоят ИИБ ЁХБ захира омбори мудири, катта сержант Василдин Маҳмамовларни ана шундай фидойилардан, десак муболага эмас.

Фурқат МАМАЖОНОВ, майор. Наманган вилояти.

Тадбир

ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Анджон вилояти Хўжаобод педагогика коллежида туман прокуратураси ва ички ишлар бўлими ҳамкорлигида «Одам савдоси – глобал муаммо» мавзусида ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди. Туман ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, майор Умиджон Қаримов, вилоят ИИБ ЖК ва ТҚБ тазкор вакили, капитан Улугбек Мадрасимов, туман прокуратурининг ёрдамчиси Фахриддин Тўхтасинов ва бошқа сўзга чиққанлар бугунги кундаги глобал муаммога айланган одам савдоси

ҳақида ҳаётий мисоллар келтириб, ёшларни эҳтиёткорликка ундадилар. Шундан сўнг талабаларга «Қулликка рози бўлманг!» номли видеофильм намойиш этилди. Тадбирда иштирокчилар ўзлари учун зарур ҳуқуқий билимларга эга бўлганликларини айтиб, келгусида бундай учрашувлар кўпроқ ўтказиб турилиши ҳақида истақ билдиришди.

Маъмиржон ХУДОЙБЕРГАНОВ, лейтенант. Анджон вилояти.

Кўрик-танлов

Жиззах вилояти ички ишлар идоралари вақтинча сақлаш хўбсоналари ходимларининг касб маҳорати, билим савияси, жангавор тайёргарлигини ошириш, шунингдек, ВСХларнинг техник мустаҳкамлигини таъминлаш, ушланган ва вақтинча қамоққа олинган шахслар учун яратилган шарт-шароитларни янада яхшилаш мақсадида «Намунали вақтинча сақлаш хўбсонаси», «Вақтинча сақлаш хўбсонасининг аълочи

милиционерни» кўрик-танлови ўтказилди. Танлов натижаларига кўра фахрли ўринларга Жиззах тумани, Жиззах шаҳар ва Мирзачўл тумани ИИБ вақтинча сақлаш хўбсоналари лойиқ деб топилди. «Вақтинча сақлаш хўбсонасининг аълочи милиционерни»

номинацияси бўйича ходимлар ўқ отиш ва спорт машқларида иштирок этиб, тест синовларидан ўтишди. Бунда Жиззах шаҳар ИИБ ВСХ милиционер-соқчиси, сержант Д. Хўжаев голиб деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Жиззах тумани ИИБ ВСХ милиционерни, сержант Д. Гадаев ва Мирзачўл тумани ИИБ ВСХ милиционерни, сафдор Ф. Аҳмедовлар кўлга киритди. Б. БЕГИМКУЛОВ, майор. Жиззах вилояти.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, Наманган вилояти ИИБ тергов хўбсонаси тартибот ва қўриқлаш бўлими назоратчиси, сафдор Жўрабек Мамадалиев, Хоразм вилояти Урганч шаҳар ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлими милиционерни, сафдор Акбар Қазақов ҳамда Қашқадарё вилояти Қамаш тумани ИИБ паспорт бўлими инспектори, сержант Баҳодир Мансуров кўрик-танловнинг рағбатлантирувчи мукофотларига сазовор бўлишди.

Фахрий ўринларни кўлга киритганларга дипломлар, пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалар ва ИИБнинг Фахрий ёрликлари топширилди. – Кўрик-танлов савияси йилдан-йилга ошиб бормоқда, – дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, халқ шоири Сирожиддин Саййид. – Бундан албатта хурсандимиз. Бугун, эл-юрт тинчлиги йўлида тиним билмайдиган осойишталик посбонлари санъат соҳасидаги бор маҳоратларини ишга солиб, она-Ватанимиз – Ўзбекистонни ўз қўшиқларида мадҳ этишди. Фақат улар орасидан энг кучлилари голиб бўлишди. Ўйлайманки, кейинги кўрик-танловларда иштирокчилар бундан-да пухта, пишик му-



сика асарлари билан қатнашишди.

– Миллий ҳамда замонавийлик уйғунлигида янгидан-янги қўшиқлар яратилишига интилаймиз, – дейди ИИБ Ашула ва рақс ансамбли раҳбари, катта лейтенант Учқун Тиллаев. – Бугун бизнинг ижодий жамоамиз биринчи ўринни кўлга киритиб, республика миқёсида ўтказилган якуний кўрик-танловга йўлланмани кўлга киритишди. Бундан беҳад мамнумимиз. Эндиги мақсадимиз республика босқичида ҳам муваффақиятли қатнашиб, яхши натижаларга эришиш.

– Утган йили мазкур кўрик-танловда иштирок этиб фахр-

ли учинчи ўринни эгаллагандим, – дейди Транспорт ИИБ ШТБХ МТБ катта инспектори, капитан Б. Мамадалиев.

– Бу йил ҳам натижа чакки эмас. Кўрик-танловни юқори савияда ташкил қилган ташкилотчиларга, вазирлик раҳбариятига миннатдорчилик изҳор этаман.

Тадбир сўнгидан таниқли ва хушовоз хонандалар ижросида концерт дастури намойиш этилди. Зеро, санъатга ошўфта қалблар ҳаммаша эзгуликка йўлдош бўлади.

Голибликни кўлга киритганларга якуний республика босқичида вазирлик шарафини муносиб ҳимоя қилишига умид қиламиз.



Азизжон ФАЙЗИЕВ, «Postda» мухбири.

Суратларда: кўрик-танловдан лавҳалар.

Шавкат ҚАҲҚОРОВ олган суратлар.

«ОФТОБЖОН»НИНГ ҚУВНОҚ БОЛАЛАРИ

Кармана туманидаги «Офтобжон» болалар дам олиш оромгоҳида 45 йилдан буён минглаб фарзандларимиз ёзги таътилни мазмунли ва мароқли ўтказиб келишаёпти. Уларнинг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришларида ҳамда тинчлик ва осойишталигини таъминлашда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам алоҳида хизмати бор.



Суратда: вилоят ИИБ ХООБ катта инспектори, майор Музаффар Ҳамдамов дам олувчи болажонлар ва ота-оналар билан суҳбатлашмоқда.

Муаллиф олган сурат.

– «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига асосан бу йилги мавсумда 930 нафар болажонлар дам олиши кўзда тутилган эди, – дейди оромгоҳ директори Гулнора Темирова. – Шу кунгача саксон фозиз фарзандларимиз яратилган қўлайликлардан баҳраманд бўлишди.

Бу ерда дам олувчилар учун «Моҳир кўлар», «Рассомчилик», «Қашта тўқиш», «Тикувчилик» тўғрақлари мунтазам ишлаб турибди. Компьютер хоналари, 1650 китоб фондига эга кутубхона, тиббиёт хонаси, транспортлар ҳам болажонлар ихтиёрида. Шунингдек, ички ишлар ходимлари ҳамкорлигида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий бўлими билан «Ёш кўқарувчи», «Биз талантларни қидирамиз», «Миллионлар ўйини», «Қувноқ маҳалла», «Қамалак»ни биласизми?», «Балли, қизлар», «Эртақлар – яхшиликка етаклар» каби турли маданий дастурлар, мусобақалар, «Гийҳвандлик – аср вабоси», «ОИТС – муҳиш иллат», «Соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш» сингари тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Мирзо АҲАД,

Навий вилояти.

Тадбир

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган таҳририят ходимларининг республика миқёсида вилоятларида бўлиб, ички ишлар идораларида хизмат қилаётган муштарийлар билан учрашуви анъанана айланган. Бундай учрашувларда газетонларимизнинг нашрларимиз ҳақида билдирган фикр-мулоҳаза ва таклифлари келгусида газета-журналларимизнинг сифати ҳамда мазмундорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бу гал гир гуруҳ ходимлар Сурхондарё вилоятида бўлишди.

ГАЗЕТХОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Вилоятнинг Денов, Олтинсой туманлари ИИБлари ва Термиз шаҳар ИИБда бўлиб ўтган учрашувларда ички ишлар ходимлари дастлаб Бирлашган таҳририятнинг фаолияти билан таништирилди. «Postda» – «На посту» газеталари, «Qalqon» – «Шит» журналларида чоп этилаётган материалларнинг тайёрланиши ва газетонлар ҳўқмига ҳавола этилиши борасидаги ишлар йиғилганларда қизиқиб ўйғотди. Учрашувлар савол-жавобга бой бўлди. Шу билан бирга Бирлашган таҳририят нашрлари ҳақида фикр ва мулоқазалар билдирилди. Газетонлар ўзларини қизиқтирган мавзуларда материаллар чоп этилишини айтиб, жаҳон ва республикамизда бўлаётган муҳим янгиликлар ҳажмини кўпайтириш, дунё спорт олдзулари ҳақида мақолалар ўқиш истагини билдиришди. Олтинсой тумани ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истефодаги майор Сайриддин Норбоев, Денов тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Тождин Сайфулов ва бошқалар учрашувини уюштирган Бирлашган таҳририят раҳбариятига миннатдорчилик билдириб, ходимларга ижодий муваффақиятлар тиладилар.

Ўз мухбиримиз.

ЖАҲОН АЙВониДА

ШИДДАТЛИ ЎСИШ

Хитойнинг Хэнань музофоти аҳолиси 100 миллион нафардан ошди, дея хабар тарқатди «Рейтер» ахборот агентлиги. Шу тариха у мамлакатнинг энг кўп одам истикомат қилаётган музофотига айланган. Қиёс учун келтириб ўтсак, Хэнанда яшайётганлар сони Филиппин мамлакати аҳолиси билан тенг экан.

СИРЛИ КОНВЕРТЛАР

Чили Ташқи ишлар вазирлиги биносида карантин ҳолати Эълон қилинди. Гап шундаки, мамлакатга хориждан келган мақбулларнинг айримларида оқ кўкун борлиги аниқланган. Ҳозирда улар текшириш учун махсус муассасасга жўнатилган. Шунингдек, хатларга теккан 25 кишининг бинони тарқ этишига руҳсат берилмапти.

УТАНДАДА ХУНРЕЗЛИК СОДИР ЭТИЛДИ

«Би-Би-Си» хабарига қараганда, мамлакат пойтахти Кампала шаҳрида иккита ресторанда портлаш амалга оширилган. Оқибатда етмишга яқин киши ҳалок бўлган, ўнлаб одамлар жароҳатланган. Қабилхилар жаҳон чемпионати финал баҳси бўлаётган вақтда уюштирилган. Маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари мазкур ҳўнрезиликда минтақада бир қатор қўрувчиликларни содир этган «Аш-Шабаб» жиний гуруҳининг қўли бор, деб ҳисоблашмоқда.

ОЙНИНГ СИРИ

Аниқланишича, Ернинг табиий йўлдоши ўз таркибий қисмларига кўра сайерамишча жуда ҳам ўхшаш экан. Токио ва Йокгоама университетлари олимлари мазкур хўлосага келишган. Уларнинг таъкидлашича, Ойнинг минераллар таркибида Ерда кўп учрайдиган оливин молдаси борлиги кузатилган, деб аъзади «Нейчэ Геосайнс» илмий нашри.

ҲАРБИЙЛАР ҚЎРБОН БЎЛДИ

Афғонистонда хавфсизликни таъминлашга сафарбар этилган НАТОнинг 12 нафар ҳарбий хизматчиси мамлакат жанубида юз берган тўқнашувларда ҳалок бўлган. Қандаҳор музофотида йўлга ўрнатилган портловчи мосламанинг ҳаракатга келтирилиши тўғрисида аъза беш нафар ҳарбий хайтдан куз юмган. Олдинроқ бу ерда «Толибон» жангарилар гуруҳи томонидан уюштирилган ҳўжум пайтида уч аскар вафот этганди. Бундан ташқари, Гельменд музофотида яна уч нафар НАТО ҳарбий хизматчиси отиб ўлдирилган. Таъкидлаш керак, ҳозир мамлакат жанубида жангариларнинг фаоллаш-

гани айтилмоқда. Бу ерда тез-тез тўқнашувлар кузатишмоқда. Охириги икки ҳафта мобайнида юз берган кўнгилсизликлар 40 нафар аскарнинг умрига зомин бўлди.

ҚЎМОНДОНЛИКНИНГ ЖИДДИЙ ХАТОЛАРИ

Исроил қўмондонлиги «Озодлик флотилияси»га қарши уюштирилган ҳўжумни ташкил қилиш ва ўтказишда жиддий хатоларга йўл қўйган. Мамлакат радиосининг хабар беришича, бош штаб бошлиғи Габи Ашкеназининг фармойишига кўра ташкил этилган, истефодаги генерал Гиор Айелнд раҳбарлигидаги комиссия шундай хўлосага келган. Мазкур комиссия 31 май кўни Туркиянинг «Мави Мармара» паромига уюштирилган ҳўжум ва бунинг оқибатида тўққиз нафар фаластинлик фаоллар қўрбон бўлган, ўнлаб кишилар жароҳат олган ҳолатларни текшириш учун тузилган. Утган мўддат ичида комиссия ўз ишини якунлаган ва тергов материалларини бош штабга топширган. Бу ерда маълумотлар жиддий таҳлил қилинганидан сўнг якуний ҳўжат мамлакат мудофаса вазирини Эхуд Баракка тақдим этилди.

Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

Ўқув йигини

МАЛАКА ОШИРИШДИ

Ер юзидаги гоҳ у, гоҳ бу давлатда кўпуровчилик, террорчилик ҳаракатлари содир этилаётгани фуқароларимизнинг доимо огоҳ бўлишини тақозо этаяпти. Бундай муҳим ҳодисаларнинг олдини олиш, шубҳа уйғонган тақдирда тезда текширув ўтказиб, тегишли чора-тадбирлар кўришда республика ИИБ Портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича махсус отряднинг алоҳида ўрни бор. Айти кунларда ушбу отряднинг гуруҳ сардорлари учун ўқув йигини давом этмоқда.

– Ҳар бир соҳада бўлгани каби бизнинг отрядда ҳам ходимларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор берилади, – деди ИИБ Портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича махсус отряд командири – штаб бошлиғи, полковник Атажон Шаронов. – Республика Ички ишлар вазирлиги фармойишига асосан шу йилнинг 14 июнидан 17 июлгача навбатдаги малака ошириш ўқув йигини ўтказилмоқда. Аввалги босқичдаги машғулотларда махсус отряднинг ҳудудлардаги гуруҳлар бош мутахассислари иштирок этишди. Турли хилдаги ўқ-дорилар ва портлатиш қурилмалари бўйича бош

билимлар берилди. Амалий машғулотлар давомида ходимлар шаҳар транспорт воситалари, самолёт ва темир йўл вагонлари ҳамда бошқа объектларда ўтказилди. Ходимларга дунёнинг бошқа мамлакатларидан олиниши ва йўқ қилиш бўйича махсус отряд командири – штаб бошлиғи, полковник Атажон Шаронов. – Республика Ички ишлар вазирлиги фармойишига асосан шу йилнинг 14 июнидан 17 июлгача навбатдаги малака ошириш ўқув йигини ўтказилмоқда.



– Вилоятимиздаги муҳим аҳамиятга молик объектлар тез-тез назоратдан ўтказиб турилади, – деди махсус отряднинг Навоий вилоятдаги гуруҳ командири, подполковник Нормурод Ҳунов. – Шу билан бирга мактаблар, маҳаллалар, корхона, муассасаларда суҳбатлар уюштириб, шубҳали туюлган нарсалар, буюмлар пайдо бўлиб қолганда қандай чора-тадбирлар кўриш ҳақида тушунча берамиз. Яна жойларда портловчи моддалар аниқланганда ходимлар қандай ҳаракат қилиши ҳақида амалий машғулотлар ўтқилади.



мутахассисларга ўзларининг йўналишлари бўйича назарий

давомида қўлланилган янги турдаги портлатиш ускуналари намойиш этилиб, уларни зарарсизлантириш, йўқ қилиш усуллари ўргатилди.

Утилган машғулотлар юзасидан бош мутахассислар ҳам назарий, ҳам амалий синав топширдилар.

Ўқув йигинининг якуний босқичида гуруҳ командирлари малака оширишмоқда. Уларга гуруҳлардаги бош мутахассисларнинг машғулотлари қандай

рида содир бўлган кўпуровчилик, террорчилик ҳаракатлари ўзлаштиргани ҳақида маълумот берилди.

Шавкат КАХХОРОВ олган суратлар.

Фахрийлар – фахримиз

ОТАЛАР ЖАСОРАТИ ДОИМ ИБРАТ

Навоий вилоятда иш ўрганиш амалиётини ўтаётган бир гуруҳ ИИБ Академияси тингловчиларининг танлаган касбларига бўлган қизиқишини орттириш мақсадида уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашув ташкил этилди.

Ички ишлар идораларида кўп йил меҳнат қилиб, ҳаёт йўли кўпчиликка ибрат бўлувчи фахрийлар Навоий вилоятда ҳам анчагина ташкил этилди. ИИБ Академиясининг битирувчи курс тингловчилари ички ишлар идоралари фахрийси, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони Низом бобо Ашуров билан учрашиб, у кишининг суҳбатидан баҳраманд бўлишди. 1961 йилдан то нафақага чиққунча ички ишлар идораларининг ҳазони ижро этиш муассасаларида турли лавозимларда фаолият кўрсатади. Беш нафар фарзандни тарбиялаб, воёга етказган Низом бобо бугун бир этак неварача-чеваралар ардоғида.

Амалиёт

БЎЛҒУСИ ФАОЛИЯТГА ЗАМИН



Навоий. Амалиётнинг биринчи кўни тингловчилар ва уларнинг ота-оналари билан учрашувдан бошланди. Навоий вилоти ИИБ маърифат залида ташкил этилган тадбирни бошқарма бошлигининг ўринбосари, полковник Р. Абдуллаев кичи сўзи билан очиб, тингловчиларни ва уларнинг ота-оналарини яна бир довонни ошиб ўтиб, синав имтиҳонларини муваффақиятли топширганликлари билан қизгин табриқлади. Уқиш даврида ўзининг билими, ҳули ва одоби билан бошқаларга ўрнак бўлиб келаётган тингловчиларнинг ота-оналарига ИИБ Академияси бошлигининг миннатдорлик хатлари ва ташаккурномалари топширилди.

Айти кунларда ИИБ Академиясининг биринчи, иккинчи ва учинчи курс тингловчилари Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБларида амалиёт ўтамақдалар. Қўйида ана шулар ҳақида жойлардан олинган хабарлар билан таништирамиз.

ТОШКЕНТ вилоятининг Қибрай, Зангиота ва Тошкент туманларида ИИБ Академияси кундузги таълим йўналишининг жами 123 нафар тингловчилари жиноятларнинг олдини олишда профилактика инспекторлари, эксперт-криминалистлар, терговчилар ва тезкор ходимларнинг ўзаро ҳамкорликлари қандай амалга оширилаётганлиги билан яқиндан танишиб, тадбирларда бевосита иштирок этмоқдалар. Уларга соҳавий хизматларда қандай уч йил хизмат қилган тажрибали ходимлар мураббий этиб бириктирилган назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлашда қўл келмоқда.

– Мен кўпроқ жиноятларнинг олдини олиш соҳасига қизиқаман, – деди 1-курс тингловчи Мақсуд Эрназаров – Амалиёт даврида ИИБ Академиясида олган назарий билимларимизни пухта ўзлаштириб, мураббийларнинг бой хизмат тажрибаларини ўрганишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Жасур ЮСУПОВ, капитан.



Суратда: Фарғона вилоти ИИБ экспертиза ва криминалистика бўлими махсус тадқиқотлар ўтказиш бўлими бошлиғи, майор Умида Мирсатоева ИИБ Академияси тингловчилари Шавкат Юлдошев ҳамда Лејла Эргашеваларга тадқиқотлар ўтказиш тартиби бўйича қўнғинка бермоқда.

Бўрибой ОМОНЗОДА олган сурат.

Абдуқошим ЗИЁДИНОВ, лейтенант.

Суратда: учрашувдан лавҳа.

ФАРҒОНА. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг 1-, 2- ва 3-босқич тингловчилари Фарғона вилоятининг Фарғона ва Қўқон шаҳарлари ички ишлар идораларида соҳавий хизматлар фаолияти билан танишиш ва иш ўрганиш амалиётини ўтадилар. Бу жараёнда тингловчилар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, унга қарши кураш, содир этилган жиноятларни фож этишда бевосита иштирок этишди.

Бир сўз билан айтганда, ИИБ Академияси тингловчиларининг амалиёти муваффақиятли ўтди. Улар назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамладилар. Тажрибали мураббийлардан олган амалий қўнғинмалари келгусида таълим олишлари ва хизмат фаолиятларида муҳим аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз.

2010 йил – Баркамол авлод йили

УМИДЛИ ЁШЛАР

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда ҳар томонлама етук, билимли ва малакали кадрлар етиштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ўтган даврда Транспорт ИИБ хизматида ҳам кадрлар тайёрлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва истеъдодли, иқтидорли ёшлардан раҳбар ходимлар захирасини яратиш борисида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда соҳада хизмат қилаётганларнинг кўпчилиги ёшлардан иборат бўлиб, касб сир-синаотларини мукамал ўрганишпти.



Ички ишлар идораларида отлар хизматидан фойдаланилиши янгилик эмас. Хилма-хил транспорт воситалари шай турган ҳозирги даврда ҳам улар учун зарурат туғилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда ўтказиладиган оммавий тадбирлар давомида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва назорат қилишда ички ишлар ходимларининг отдан фойдаланаётгани жуда қўл келмоқда. Жумладан, Хоразм вилоти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони махсус отряди ходимлари ҳам хизмат отлари ёрдамида фаолият юритишпти.

Суратда: ППХ батальони махсус отряди милиционер, сафдор Дилшод Отажонов хизмат пайтида.

Худойберган ЖАББОРОВ олган сурат.

Анджон темир йўл бекати тармоқ ички ишлар бўлими шахсий таркибда ҳам республика ИИБ олий таълим муассасаларини, ИИБ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларини тамомлаган ёшлар кўп. Тергов бўлимида терговчиси, лейтенант Ж. Ҳамдамов, воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлимида инспекторлари, лейтенантлар А. Парпиев, А. Ҳатамов, Асака темир йўл бекати тармоқ ИИБ тезкор навбатчиси, кичик сержант Д. Шарипов, шахсий таркиб билан ишлаш гуруҳи инспектори, кичик сержант Н. Чандиевлар шулар жумласидандир.

Барча жойда бўлгани каби тармоқ ички ишлар бўлимида ҳам янги ишга келган ходимга мураббий бириктириш тажрибаси маъжуд. Шунга мувофиқ тизимларда кўп йиллардан бўён хизмат қилиб келадиган майорлар К. Саидхосенов, Ш. Зокиров, А. Ҳўжаев, капитан Б. Комилов ва бошқалар ишни энди бошлаган ходимларга устозлик қилиб, билим ҳамда тажрибаларини пухта ўргатиб бормоқда.

Шунингдек, ёш ходимларнинг маънавиятини янада юксалтириш, фуқаролар билан бўладиган мулоқот маданиятини, касбий ҳамда жанговар тайёрликларини мунтазам ошириб боришга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Ўтказилаётган маърифат дарсларида танкили сиёсатшунос, фан аристократлари, санъат ва адабиёт намояндаларининг иштироки таъминланиб, улар ҳаёт тажрибаларидан, илмий ва назарий билимларидан шахсий таркибга сўзлаб беришмоқда.

Булардан ташқари, бўлимда кўп йиллар хизмат қилган ходимларни тантанали равишда нафақага кузатиш, ёш ходимлар ўртасида турли спорт муسابоқаларини ўтказиш ҳам яхши анъанага айланган. Олиб борилаётган бу каби ишлардан қўзланган мақсад ёшларни ўз касбларига садоқат руҳида тарбиялаш, хизмат фаолиятларида самарадорликни оширишдан иборатдир.

Анджон вилоти.

Қаҳрамон СОДИКОВ, подполковник. Азизхон БУЗРУКОВ, журналист.

Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан доимий равишда профилактик тадбирлар ўтказилаяпти. Бундан ташқари, жойларда махсус рейдлар уюштирилиб, кўчада бемақсад юрган, ота-онаси, яқинлари томонидан қаровсиз қолдирилган 150 нафардан зиёд воёга етмаганлар вилоят ИИБ ХООб қошмадаги воёга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилди.

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛ

Болаларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар фарзанди тарбияси борисида масъулиятини ошириши лозимлиги юзасидан расмий равишда оғохланрилди, 200 нафардан зиёд воёга етмаганлар профилактик ҳисобга олинди. Уларнинг тарбиясига бевосита масъул бўлган шахсларга лоқайдлиги босиб нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Китоб туманидаги Алишер Навоий номли мактабнинг 8-синф ўқувчиси Гулҳаё Ашурова дарсларга кирмасдан қўшни тумандаги Амир Темур номли мактабга боради. У ерда 1-синф ўқувчилари бўлган Э. Жалилова ва Д. Тожмуродовларни пичоқ билан қўрқитиб, уларнинг қўлгоғидаги зирақларини ечиб олаётганида ўқитувчилардан бири ушлаб олади. Чироқчи тумани транспорт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Д. Йўлдошев қариқдоши Э. Эшонқулов билан ўзаро тортишиб қолади ва унга оғир тан жароҳати етказди. Оқибатда Э. Эшонқулов ҳаётдан бевақт кўз юмади.

Юқоридеги каби ноҳус воқеа-ҳодисаларга барҳам бериш, олдини олиш учун ёшлар тарбиясига янада эътиборли бўлиш лозим. Негаки, ёшлар эртанги кунимиз, келажагимиз яратувчиларидир.

Шўхрат ТЎРАЕВ.

Қашқадарё воёлиги.

ИИБ Матбуот маркази хабарлари

НОМИГА ДОҒ ТУШИРДИ

Наманган вилоти Уйчи туманида бир қимса В. Манзуранинг уйига кириб, ётоқхонадаги сейфни қалит тақлаб йўли билан очди. Темир сандикда сақлаб қўйилган 1550 АКШ доллари, 2 469 000 сўм пул ва умумий қиймати 2 040 000 сўмлик заргарлик буюмларини қўлга киритган ўғри фурсатни ганимат билиб жуфтани ростилаётганида уй эгаси уйғониб қолиб, уни ушлашга ҳаракат қилди. Бироқ номаълум шахс қаршилик кўрсатиб, воқеа жойидан қочиб кетди.

Кўришган чоралар натижасида ушбу жиноятни шу туманда яшовчи, 37 ёшли Д. Раҳимов содир этгани аниқланиб, қўлга олинди.



МЕҲНАТСИЗ РОҲАТ БЎЛМАС

Ҳолва деган билан оғиз чўчимаиди. Роҳат қилиб машина минниси учун захмат чекиб меҳнат қилиш керак. 1990 йилда туғилган Н. Фарҳод ва 19 ёшли С. Рустан ана шу жун ҳақиқатни тушулмаган кўринишда. Йўқса, улар пойтахтнинг Мирзо Улугбек тумани, Циолковский кўчасида Н. Равшан томонидан қолдирилган «Дамас» автомашинасини ҳайдаб олиб кетмаган бўлишарди.

Ҳуқуқбузарлик содир этган бу йигитлар ушланди. Автомашини эса техник соз ҳолда эгасига қайтарилди.

ТАҚОРЛАНГАН ХАТО

Тошкент шаҳрининг Яққасарой туманида ўтказилган тезкор тадбирда Сирғали туманида яшовчи, муқаддам судланган Ф. Дмитрий тўхтатилиб, шахсини аниқлаш мақсадида текширилди. Йўловчининг шубҳали хатти-ҳаракатлари унинг яширин сирини фож этди. Енидан 1 килограмм 800 граммга яқин марихуана гилҳвандлик моддаси топилди, далилий ашё сифатида олинди.

Ҳаётнинг қадрини билмаган Дмитрий суднинг қора курсисига тақор ўтирадиган бўлди.



Норали ОЧИЛОВ, ИИБ ИХҲ ва ЮТБ ММ бош инспектори, лейтенант.



«БИРОВНИНГ ҲАҚИНИ ЕМОҚ...»

Тошкент вилоятининг Ангрэн шаҳрида яшовчи Ш. Жураевнинг уйига тунда уч номаълум шахс бостириб кирди. Улар эи эгасига тан жароҳати етказиб, «Нокиа» русумли уяли телефони ва юз минг сўм пулини олиб кетишди.

Жиноят жазосиз қолмаслиги табиий. Изкуварларнинг савий-ҳаракати билан мақкур жиноятни 1995 йилда туғилган Х. Исқандар, 17 ёшли А. Сардор ва 21 ёшли П. Хушид содир этгани аниқланди. Улар қилмишларига яраша жавоб беришларига тўғри келади.

Норали ОЧИЛОВ, ИИБ ИХҲ ва ЮТБ ММ бош инспектори, лейтенант.

«01» ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўтган ҳафта мобайнида республикамиз ҳудудида 289 та ёнғин қайд этилди. Улардан етказилган моддий зарар миқдори 4 миллион сўмдан ортиқроқни ташкил этди. Турли сабабларга кўра юзага келган ёнғинларда 10 нафар фуқаро кўйиш тан жароҳати олди, бир нафари оламдан бевақт кўз юмди. Енғин ўчирувчилар томонидан 214 миллион сўмлик қурилиш материаллари, 203 миллион сўм миқдордаги моддий бойликлар қутқариб қолинди.

Тошкент шаҳри Учтепа тумани Шоир кўчасида истиқомат қилувчи У. Азизхон лок бўёқларини тез алангаланиш хусусиятига эга эканлигини билмаган чоғи. Сабаби, хонада таъмирлаш ишларини олиб бораётганида сигарета ёқиш учун гугурт қаққан эди, хонада тўпланган локнинг ёнуви буглар алангаланиб кетди. Азизхон 30 фоиз кўйиш тан жароҳати олиб, шифохонага етказилди.

Бу воқеа Жомбой туманидаги мактаблардан бирининг ҳудудида жойлашган ёрдамчи иморатда содир бўлди. Келиб чиққан ёнғин тўғрисида ёнғин хавфсизлиги хизматига ўз вақтида хабар берилмагани учун олов атрофга тарқалиб, 140 кв. метр майдон зарарланганига олиб келди.

Фарғоналик М. Мурод «Нексия» русумли автомобилчини ўз вақтида техник қўриқдан ўтказмагани сабабли ўнинг салон қисмида йиғилган қолган газдан қўнғин юзага келди. Бунинг оқибатида М. Мурод 40 фоиз, унинг олти ёшли жиғни эса 30 фоиз кўйиш тан жароҳати олди.

Тошкент шаҳрида яшовчи Г. Зоя уйда ёнғиз қолиб, сигарета чекиб ухлаб қолди. Учмай қолган сигарета қолдиғи ўрин-қўрпага тушиб, аланга содир бўлди. Уйда кўнқоқ тутун чиқаётганини кўрган қўнғинлар дарҳол ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига хабар беришди. Зуллик билан етиб келган ёнғин ўчирувчилари ишга киришганда уй эгаси тўпланган захарли тутундан димиқиб вафот этгани ойдлинлашди.

Файрат МУТАЛОВ, капитан.

Хизматларда

Нуронийлар чойхонасида ўтирган икки қариянинг ўзаро сўхати шундоққина эшитилиб турарди:
- Жиноятчи топилдими, Меҳридин ота? - дея сўради чойни қайтарётган отахон шеригидан.

- Ички ишлар ходимларига раҳмат! - деди у киши саволга жавобан ва қўшиб қўйди: - Халқимизда «Гумон иймондан айиради», деган нақл бор. Сал бўлмаса, неча йиллик ён қўшимизни беобрў қилиб қўярди. Ваҳоланки, мол-мулкимизни умарган ўша баттол йигит бошқа маҳалладан экан. Агар ички ишлар бўлимига мурожаат қилмаганимизда бор-будимиздан айрилдик ҳисоби эди. Улар нафақат жиноятчини топишди, ҳатто хонадонимизни қўриқлаш мосламаси билан жиҳозлаб беришди. Энди кўнглимиз тўқ, чунки уй-жой ва барча бисотимиз ишончли кишилар нозоратиди.

- Техника асрининг мўъжизаларидан бири шу бўлса керак-да, - деди хайратини яширолмаёй Меҳридин отанинг сўхбатдоши.

Кўпни қўрган ва техника ривожидан хайратланган отахонларнинг айтганича бор. Истиқлол йилларида бошқа соҳалар қаторида Ички ишлар вазирлиги тизимлари ҳам замонавий техника ҳамда зарур асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди. Жиноятчиликка қарши курашиш, ахборот алмашиш каби юмушларда ана шу техника ва технологиялар жуда асқотмоқда. Наманган вилояти ИИБ ҳузу-

ридаги қўриқлаш бўлими шахсий таркиби ҳам яратилган шарт-шароитлар туфайли муҳим натижаларга эришишарди.
Мазкур бўлим ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан жорий йилнинг ўтган ойларида бошқа хизматлар билан ҳамкорликда вилоят ҳудудида ижтимоий-сиёсий, криминоген вазиятнинг барқарорлиги, фуқаролар хавфсизлигини таъмин-

лари зиммаларидаги масъулиятли вазифани удалаш қаторида ички ишлар идоралари томонидан ўтказилаётган барча тадбирларда фаол қатнашишарди. Масалан, уларнинг саъй-ҳаракати туфайли жиноят содир этиб, қидирувда юрган 5 нафар киши ушланиб, шаҳар, туман ички ишлар бўлимига топширилди. Шунингдек, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол

«Халқ банки»нинг Янгиқўрғон ва Чортоқ туманларидаги бўлимларида шариот талаб даражасида эмас эди. Вилоят ҳокимлиги, банкнинг вилоят Бош бошқармасига ахборот ва тақдимномалар киритилгандан сўнг қўриқлаш хабаргоҳлари қайтадан таъмирланди, замонавийлаштирилди.

Вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи, майор Тоҳиржон Носировнинг таъкидлашича, маҳаллий ҳокимликлар, қорхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари билан олиб борилаётган бир қатор ижобий ишлар натижасида объектларни қўриқ-

лаш, хизматлар устидан назоратни кучайтириш, молиявий хўжалик фаолиятини самарали ташкил қилиш ва ходимларга етарли шарт-шароитлар яратиш омилини кенгаймоқда. Шунингдек, бўлим моддий-техника базисини янада шакллантириш, иқтисодий самардорлигини ошириш мақсадида ИИБ ҳузуридаги Республика «Қўриқлаш» бирлашмаси ҳам қўллаб-қувватлаб турибди.

Эндиликда аҳоли ва яққа тартибдаги тадбиркорларнинг мазкур хизматга эътибори кучайган. Биргина шу йилнинг ўтган ойларида хонадонлари, мол-мулкларини қўриқлаш учун шартномалар тузишни сўраб 50 нафардан ортиқ фуқаро мурожаат этди. Уларнинг илтимослари бирин-кетин қондирилди.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, «Постда» мухбири. Наманган вилояти.

ҲАМЖИҲАТЛИКДА ГАП КЎП

Олтириқ тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими томонидан 30 та халқ хўжалиги объектлари қўриққа олинган. Шахсий таркибнинг касбий, жисмоний ва жанговар тайёргарлиги, сиёсий-маърифий билимини ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилаётгани учун жорий йилнинг ўтган ойларида қўриқланаётган объектларда ўғирлик ҳолатларига йўл қўйилмади.



- Ҳар бир ходимнинг фаолияти, унинг хизматдан кейинги юриш-туриши назоратга олинган, - дейди бўлима бошлиғи вазифасини бажарувчи, сержант Эргашали Ҳайдаров. - Уларнинг турмуш шароити, маҳаллада тутган ўрни ҳам бизни бефарқ қолдирмайди. Яққа тартибдаги тарбиявий ишларга алоҳида эътибор берилаётгани, отаналар билан суҳбатлар ўтказилаётгани яхши самара берапти. Аввало, ходим шу жамоада ўз ўрни борлигини чуқур ҳис этяпти.

Жамоадаги ахлоқий-руҳий муҳитни яхшилаш, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибатни мустақамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар хизматдаги му-

вафақиятлар омили бўлмақда.
Бўлима ходимлари туман ИИБ соҳавий хизматлари ва бошқа ҳуқуқ-тарбиот идоралари ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирларда ҳам қатнашиб, касб маҳоратларини намойиш этишмоқда. Масалан, Полосон қишлоғида яшовчи М. Равшан гурт қутисидида 3,15 грамм марихуана гиёҳвандлик моддасини 25 минг сўмга сотаётганда унинг уйи қўздан кеңирилганда яна 13,73 грамм марихуана борлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинди.

Ушбу жиноятни фош этишда қўриқлаш бўлимига взвод командири, катта сержант Ҳ. Баннопов, сафдорлар

А. Матёқубов, У. Нуриддинов ва Ҳ. Тешабоевлар фаол иштирок эттишти.

Қўнғилсизлик билан боғлиқ яна бир воқеага эътиборни қаратмоқчимиз. Яқинда номаълум шахс Фарғона шаҳрида яшовчи Раёноҳон Абдуллаеванинг пуллари ва 32 жуфт болалар оёқ кийимини талончилик йўли билан тортиб олиб, воқеа жойидан гоиб бўлди. Жабрланувчи туман ИИБга ариза билан мурожаат этди. Олиб берилган суриштирув ишлари давомида қўриқлаш бўлимига ходими, сафдор Ҳ. Маҳмудовнинг маҳорати туфайли Олтириқ тумани Бурболик қишлоғида истиқомат қилувчи Н. Тўйчи ушбу жиноятни содир этганликда гумонланиб, ашёвий далиллар билан ушланди. Су-

риштирув ишлари натижасида Н. Тўйчи бундан ташқари фуқаро Д. Абдурахимовнинг ишончига кириб, фибригарлик йўли билан 200 АҚШ доллари ва 168 минг сўм пулини олиб, қайтариб бермагани аниқланди.

Туман ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимига ходимлари келгусида ҳам барча объектларнинг ишончли қўриғини таъминлаш билан бирга жиноятларнинг олдини олиш, унга қарши кураш, жамоат тартибини сақлашга ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб бораверадилар.

Бўрибой ОМОНЗОДА, подполковник.

Суратда: Қўриқлаш бўлимига ходими, сержант Илҳом Ибрагимов иш пайтида. Фарғона вилояти.

СУРАТЛИ АХБОРОТ

Нефть маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериш ўзига хос мураккаб жараён. Ушбу жараённинг узлуксизлигини таъминлашда ИИБ Транспорт ИИБнинг темир йўлларда нефть маҳсулотларининг ташилишини кузатиш бўйича алоҳида милиция батальонининг ҳиссаси катта. Ушбу батальон ходимлари нефть маҳсулотлари юкланган вагонцистерналарнинг ўз манзилига беталафот етказилишини, белгиланган омондорлик топширилишини назорат қиладилар. Бу улардан ҳушёрлик, пухта касбий тайёргарликни талаб қиладилар.

Суратда: батальон отряд ШТБИГ катта инспектори, майор С. Алимов ходимларга хизмат олдидан тегишли йўл-ўриқлар бермоқда.

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.



«ҚОПҚОН» САМАРА БЕРДИ

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашда турли омиллардан самарали фойдаланиш, бу борада мавжуд имкониятларни ишга солиш профилактика хизматининг асосий вазифаси ҳисобланади. Айтиш жоизки, вилоят ИИБ ҲООб ходимлари бунинг уддасидан чиқишмоқда. «Қопқон» профилактик тадбири давомида ҳам бу яққол кўзга ташланди.

Тадбирга вилоят ИИБ ЖК ва ТҚББ, ҲООб, ППХ ва ЖТСБ, ҲЧК ва ФРБ, ЙХБ, Қўриқлаш хизмати ходимлари жалб этилди. Турли соҳаларнинг тажрибали ходимларидан ташкил топган гуруҳлар ҳар бир шаҳар ва туманда бир кун мобайнида жиноятчилик, қонунбузарликларга қарши яхшигина тузук - «Қопқон» қўйишди. Жиноятчилик нисбатан «болалаган» ҳудудларда ушбу махсус тезкор профилактик тадбир 2-3 кун давом этди.

Ўтказилган тадбир давомида жами 26 та гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноят аниқланди. Унинг 22 таси таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни

етиштириш, 2 таси сақлаш, 1 таси сотиш ҳамда 1 таси бангхона очиш билан боғлиқ. Жиноятчилардан 853 туп таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликлар, 94,67 г. гиёҳвандлик моддалари олинди. Жумладан, Шофиркон туманидаги Варзонзе қишлоғида яшовчи Л. А.нинг қилмиши кўпчиликка аён бўлиб қолди. У томорқасида 335 туп кўкнор ўсимлигини ҳеч нарсадан тап тортмай етиштираётган экан. Ёки туманининг Исогаре қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳ. Н. томорқасида 108 туп кўкнор ўсимлигини парвариш қилгани маълум бўлди. Аёл бўлатури бундай номақбул ишга қўл ургани кеңирилмас ҳолдир.

Шунингдек, ички ишлар ходимлари 8 та ўқотар қуролни ноқонуний сақлаш ҳамда 7 та қўшмачилик ҳолатини аниқлашди. Бундан ташқари, 2019 та турли ҳуқуқбузарликларга чек қўйилди. ДВД ва ВСД дисклар савдоси, турли компьютер уйинлари томошаси билан шуғулланаётган шохобчалардан 1129 та контрафакт дисклар, 28 та компьютер ва унинг процессорлари, 5 та диний, 6 та порнографик мазмундаги дисклар мусодара қилинди. Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган 270 нафар шахслар аниқланиб, профилактик ҳисобга олинди.

Тезкор тадбир натижалари вилоят ИИБ бошлиғи ҳузурида ўтказилган йиғилишда атрофича таҳлил қилинди ва юқори баҳоланди.

Вали НАРЗИЕВ, подполковник.

Рўзиғул ЙЎЛДОШЕВА. Бухоро вилояти.

КЎП НАРСА НАЗОРАТГА БОҒЛИҚ

Бахитбай Қулмуратов ички ишлар идораларидаги илк фаолиятини 1998 йили Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимида бошлаган эди. Орадан тўрт йил ўтиб уни профилактика инспектори лавозимига ўтказишди. Албатта бу даврда ёш ходим изланувчанлиги, касбий ва жисмоний маҳоратини ошириб бориши ҳамда намунали хизмати билан раҳбарият назарига тушган эди.

Мана, саккиз йилдирки у тўртта маҳаллани ўз ичига олган 178-милиция таянч пунктида самарали фаолият кўрсатмоқда. Иккита маҳаллага истеъфодаги майорлар Бахтиёр Айтмуратов ва Оринбай Ешмуратовлар

оқсоқоллик қилаётгани ҳудудда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда ҳудудда жами ўн минг нафар аҳоли яшайди. Милиция таянч пункти инфратузилмаси

давр талаблари асосида ривожланиб бормоқда. Туркменистон билан чегарадош бўлган мазкур ҳудудларда замонавий услубда қурилган тўйхона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари тадбиркорликнинг кенг қўламада тараққий этиб бораётганидан далолат беради. Албатта, осуда меҳнат жараёни фаровонликнинг белгисидир. Буни чуқур англаган капитан Бахитбай Қулмуратов муқаддам судланган 8 нафар фуқаронини профилактик ҳисобга олиб, улар билан белгиланган тартибда суҳбатлар ўтказиб борапти.

Шунингдек, арзимас нарсалар устида гавго кўтариб қўшнилар тинчинчи бузадиган, соғлом турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатадиган тўртта оила ҳам мунтазам назоратда.

- Профилактика инспектори, капитан Бахитбай Қулмуратов истеъфодаги майор Бахтиёр Айтмуратов билан.

этибор билан қарши, айниқас спорт тўғрараклари фаолиятини жонлантираётгани, ўқувчилар билан турли мавзуларда тез-тез учрашувлар ўтказиб туриши таҳсинга лойиқдир, - дейди 16- умумтаълим мактаби директори Ринат Галиакбаров. Бу фикрнинг иختисослаштирилган лицей директори Тамара Сейдаметова ҳам маъқуллади.

Аҳоли асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан кун кечиради. Эрта баҳордан дала бошига чодир қуриб, мўл ҳосил олиш учун бор меҳрини ерга беради. Чорва ҳам яйловларда эркин ўтлайди. Энг муҳими, одамлар хотиржам, тинч ўқлайди, беҳавотир меҳнат қиладилар. Буларнинг бари албатта осойишталик парсонларнинг машаққатли меҳнати натижасидир. Фуқаролар, айниқас профилактика инспектори, капитан Бахитбай Қулмуратовдан беҳад мамнун. Кексалар уни касбу қоридан барака топсин, дея дуо қилишарди.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

Суратда: профилактика инспектори, капитан Бахитбай Қулмуратов истеъфодаги майор Бахтиёр Айтмуратов билан.

Муаллиф олган сурат. Қорақалпоғистон Республикаси.

Тезкор ходимлар ҳаётидан

Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини қарор топтириш борасидаги ҳаракатлар билан бир қаторда жамиятда қонун устуворлиги ҳамда жиноятга жазо муқаррарлигини таъминлаш ички ишлар идоралари ходимларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Тошкент вилояти ИИБ ЖК ва ТҚББ шахсий таркиби буни чуқур ҳис қилган ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

Арзимасдек туюлган ҳолатлар ҳам баъзан оғир турдаги жиноятлар содир этилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир ҳолатни чуқур ўрганиб, уни юзага келтирган сабаб ва шароитларни тўғри баҳолаш тезкор ходимдан алоҳида синчковлик талаб этади. Таҳлилларга таяниб, ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини пухта ўзлаштирган ишқувларнинг ўз вазифасини удаллаши осон кечади.

- Ҳар бир ходим аввало жиноятчиликка қарши кескин курашиши лозим, - дейди вилоят ИИБ ЖК ва ТҚББ уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими бошлиғи, подполковник Илҳом Нурматов. - Юз берган жиноятни «иссиқ изида» фош этиб, ўз вақтида айбдорларни аниқлаш эса жинойи ҳаракат жавобсиз қолмаслигини таъминлаш билан бирга халқимизнинг ички ишлар ходимларига нисбатан ишончли янада мустаҳкамлайди.

Мазкур бўлим ходимларининг тезкор ва синчковлик билан олиб бораётган фаолияти натижасида жиноятлар фош этилишига эришилмоқда.

- Тошкент вилояти қўшни мамлакатлар билан чегарадош ҳудуд ҳисобланади. Шу боис ҳам моддий-товар бойликларнинг четдан ноқону-

ний равишда юртимизга кириб келишининг олдини олиш ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг тегишли ҳужжатларсиз қўшни давлатларга олиб ўтилишига қарши кураш борасида зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ҳолда хизмат ташкил этилган, - дейди сўзини давом эттириб подполковник И. Нурматов.

НОҚОНУНИЙ ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга кенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бироқ шунга қарамай айрим юртдошларимизнинг мавжуд тартиб-қоидаларни четлаб ўтган ҳолда мўмай даромад орттиришга бўлган уринишлари афсуски, учраб туради.

Вилоят ИИБ ЖК ва ТҚББ ходимлари томонидан вилоятнинг Ўртачириқ тумани ҳудудида тунги хизмат пайтида Тошкент шаҳри томонга ҳара-

катланиб кетаётган «КамАЗ – 53212» русумли юк машинаси тўхтатилиб, текширилди. Ҳайдовчи К. Шерзод автомашинага тегишли бўлган ҳужжатлардан фақатгина транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасининга тақдим эта олди. Қолган ҳужжатлар эса тўлиқ эмасди. Автообиль юкхонаси қўздан кеңирилганда нархи 18 миллион сўмини ташкил этган катта микродоғди цитрусли мевалар борлиги аниқланди.

Янгийўл туманида ўтказилган тадбир жараёнида Чаманзор маҳалласида яшовчи А. Шухратнинг гаражида чет элда ишлаб чиқарилган, умумий нархи 30 миллион сўм бўлган ҳар хил турдаги шоколадлар ноқонуний равишда сақлаб келинаётгани ошқор бўлди. Суриштирувлар натижасида ушбу маҳсулотлар Бекобод туманининг Марказ маҳалласида яшовчи И. Зайнабга тегишли эканлиги, уларни қўшни Тожикистон Республикасидан айланма йўллар орқали олиб ўтганлиги аниқланди.

Олмалик шаҳрининг 52-кичиқ туманида яшовчи Н. Фахриддин тегишли идоралар рўйхатида бўлмаган ПМ русумли тўппонча, унинг махсус овоз пасаитиригчи мосламаси ҳамда 5 дона ўқларини П. Александрга 7 минг АҚШ долларига сотмоқчи бўлган пайтда қўлга олинди.

Бундай мисоллар яна келтириш мумкин. Ходимлар зиммаларидаги вазифаларни удалаш учун фидойилик намуналарини кўрсатаверадилар.

Хуриш РЎЗИЕВ. Тошкент вилояти.



Маърифат дарси

МАҲАЛЛА – ТАРБИЯ МАСКАНИ

«Маҳалла» атамаси арабча сўз бўлиб, «ўрин – жой, макон» маъносини англатади. У турли минтакаларда маҳаллот (жой), гузар, жамоа, элат номларида атаб келинган. Маҳаллалар Ўзбекистоннинг муайян тарихий шароитларида, асрлар давомида шаклланиб, фаолият кўрсатётган, аҳоли яшайдиган маъмурий-худудий birlik, уюшма сифатида шаклланган. Маҳаллаларнинг кўп минг йиллик тарихга эга эканлиги, айниқса соҳибқирон бобомиз Амир Темур даврида раванқ толгани ҳақида маълумотлар жуда кўп. Алишер Навоий ўзининг «Хайрат ул – аброр» асариде маҳаллани «Маҳалла шаҳар ичидеги шаҳарча» дег деб таърифлаган.

камчиликлар умуммаҳалла аҳлиники ҳисобланади. Бу борада Юртбошимиз: «Маълумки, азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силлаш, туй-томоша, хашар ва маъракалари кўпчилик билан бамаънаҳад ўтказиш, яхши кунда ҳақиқатан ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Биз «Маҳалла – ҳам ота, ҳам она» деган ҳикматли нақлни ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қила-

юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади», – дейилган. Бу борадаги вазифалар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорликда тайёрлаган ва қабул қилинган «Ўқувчиларнинг тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги» Концепциясида аниқ белгилаб берилган. Айниқса, оила билан маҳалла аҳлининг ҳамкорлигини яхши йўлга қўйиш болалар ва ўсмирлар орасида тартиб-бузарлик, ўрилик, танга жароҳат етказиш, номусга тажовуз қилиш, гиёҳвандлик ва шунга ўхшаш маиший бузуқликлар билан шуғулланишнинг олдини олишда маъруз ҳужжат муҳим

ла, жамият гуллаб-яшнади, ривожланиди, дунёга танилади. Ҳамкорликда ишлаб чиқилган Концепцияда ёшлар тарбиясида маҳалланинг вазифалари куйидагича белгиланган: Маҳалла фаоллари томонидан таълим муассасалари билан биргаликда таълим-тарбия жараёнида амалда оширилиши керак бўлган масалаларни муҳофиза қилишда қатнашиш ва оқилона ечимлар топишда фаоллик кўрсатиш; маҳалла ўз ҳудудидаги ижтимоий ва иқтисодий ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаб, уларни қўллаб-қувватлаш ва фарзандларнинг билим ҳамда тарбия олишларига бош-қош бўлиш; фарзандлари тарбиясига сал-

амалга ошириш борасида турли тадбирлар ташкил қилиш; «Республика миллий ғоя ва мафкура илмий – амалий маркази», «Республика маънавият тарғибот маркази», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Экосан», «Истеъдод», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Оила» маркази, хотин-қизлар қўмиталари, турли жамиятлар, бирлашмалар ва ижодий уюшмаларнинг жойлардаги бўлинмаларини ёш авлодни миллий руҳда тарбиялаш ишига, муаммолар масалаларнинг ечимини топишга фаол жалб қилиш. Фарзандларига маънавий-ахлоқий тарбия беришда ижобий натижаларга эришадиган, намунали оилалар ҳаёт тажрибасини оммалаштиришга қаратилган тадбирлар ўтказиш; маҳаллада истиқомат қилаётган халқ усталари, санъаткорлар, зиёлилар ва барча ижод аҳлининг имкониятларидан фойдаланиб, турли тўғарақ ва «Устоз-шогирд» анъаналари орқали билим ҳамда касбга йўналтириш фаолиятини ташкил қилиш; бу жойдаги ишлаб чиқариш корхоналари томонидан маҳаллада истиқомат қилаётган ва моддий қийналган ёшлар учун иш жойлари квотасининг ажратилишига эришиш; ҳар бир ёш фуқарода Ўзбекистонга, унинг табиғатига муҳаббат, тарихига қизиқиш, маҳалла ободончилиги, аҳиллиги учун жавобгарлик руҳини шакллантириш; янги оила қураётган ёшларга оилани қуришдаги мақсадни англаб етишига, ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш борасида билимлар бериш учун маҳалла қошида «психолог маслаҳатхона»ларини ташкил этиш; пуллик уй хизматларини ташкил этиш (энага, тарбиячи, репетитор), йўл-йўриқларини кўрсатиш;

Оилага ёрдам сифатида ижтимоий-психологик хизмат турларини ташкил этиш; бола тарбиясида муаммога дуч келган оилаларга педагогик-психологик маслаҳатлар беришни ташкил этиш; оилалар, ўсмирлар ва ёшлар дуч келган муаммоларни бартараф этиш учун маҳалла қошида «Ишонч» телефонлари ташкил этиш; ёшларга оилавий муносабатларда ижтимоий-психологик мулкит яратилиши ўргатиш; уларга ҳужжат ишларининг сир-синоатларини ўргатиш учун тўғарақлар ташкил этиш; айрим ёшлардаги шахсий муаммоларни ечишга, ёлғизликка боғланиб қолиш, ўз ҳаётидан қониқмаслик каби салбий ҳолатларни бартараф этишга қўллаб-қувватлаш; ҳуқуқбузарлик, жиноят қилишга мойил ва тарбияси «огир» бўлган воғая етмаганларни аниқлаб, ҳар хил тўғарақларга жалб этиш, маҳалла йиғини қарори билан фаоллардан мураббий бириктириш қабилар қиради. Бугунги кунда ёт ғоялар таъсири-



Суратда: Тошкент шаҳар Ҳамза тумани «Тарноқбоши» маҳалласи профилактика инспектори, катта лейтенант Шўҳрат Алимқулов маҳалла фаоллари даврасида. Шавкат ҚАҲҲАРОВ олган сурат.

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асариде «...Қадимий номларда ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи яққол ўз аксини топган. Масалан, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Пичоқчилик, Чархчилик, Кўнчилик, Дегрезлик, Тақачи, Эгарчи, Ўқчи, Заргарлик, Парчабоф сингари маҳалла номлари бу ерда хунармандчилик нақадар ривожланганидан, халқимизнинг азалдан ўтқор ҳаёт кечириб, юксак маданий турмуш даражасига эга бўлганидан далолат беради...» – деб эътироф этилган.

Маҳалла кичик маъмурий ҳудуд бўлиши билан бирга, турмуш тарзи, қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар умумийлиги билан боғланган кишилар жамоаси бирлиги бўлган. Тарихнинг турли босқичларида даврлар, тузумлар ўзгаришига қараб маҳалланинг вазифалари ҳам ўзгариб борган. Шунингдек, маҳалланинг асосий вазифалари – маросимларни биргаликда ўтказиш, ўз ҳудудида тартиб ўрнатиш, сақлаш ва ободончилик ишларини бажариш, ёш авлодни ижтимоий руҳда тарбиялаш, жамият ҳаётида тартиб сақлашни таъминлаш, барча анъанавий меъёрларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш, урф-одатларга риоя қилишдан иборат бўлган. Унинг раҳбари (оқсоқоли) ҳудуддаги барча ободонлаштириш ишларини биргаликда хашар йўли билан амалга оширган.

Маҳаллалар ҳақида аниқроқ ёзма маълумотлар даҳалардаги қозилик дафтарларида, XIX асрнинг иккинчи ярмида эса русча нашрларда қайд этилган. Тошкент маҳаллалари тўғрисида Н.Г. Малицкий тарихий асарларни, васика, вақф ҳужжатларини ўрганиб шулар асосида ёзиб 1927 йилда чоп этган ва 1996 йили Усмон Қўчқор таржимасида нашр қилинган «Тошкент маҳалла ва мавзёлари» китобида келтирилган маълумотларга кўра, 1865 йили Тошкентда 140 та маҳалла бўлган. 1876 йилдаги Туркистон ўлкаси статистикаси йилномасида Н.А.Маевнинг «Осиё Тошкент» мақоласидаги маълумот бўйича Тошкентда 149 та маҳалла бўлгани таъкидланган ва номлари санаб ўтилган. Йиллар ўтгани сари шаҳар ва туманлар ҳудудида маҳаллалар сони ҳам кўпайиб бораверганини кузатиш мумкин. Эндиликда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари давлат ва

маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишловчи аёлларни ижтимоий муҳофиза қилишни кучайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» ва бошқа бир қатор Фармонлари ҳамда «2007–2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофиза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»-ги Қарорларда маҳаллаларда маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни амалга оширишнинг долзарблиги эътироф этилди.

Маҳаллада инсонлар бир-бирлари билан ака-ўка, опа-сингил, биродар бўлиб, ҳар бир ҳонадондаги туй-маъракаи худди узлариникидай билиб ўтказишлари, ёшлар тарбиясига ҳам барча маҳалла аҳли масъул, ютуқ ва

тарбия воситасига айланган. Маҳалланинг устуниги шундаки, бу ерда кўп йиллар давомида бирга яшаган, бир-бирини билган, синган, таниган кишилар истиқомат қилади. Улар ҳар бир оилаларда муҳити ва ҳар бир бола тарбиясини, ота-онанинг маҳаллада тутган ўрни ва обрў-эътиборини ҳамда оиланинг мавқе-имкониятларини яхши билишади.

Боланинг қандай инсон бўлиб етишувини ота-она тарбияси ва атрофдагиларнинг таъсирига боғлиқ. У ёшлиқдан ота-онани, ўртоқлари, шу ердаги кишилардан маънавий озиқ олади, уларга тақдир қилади, кўпгина урф-одатларни, ҳулқ-оқибатини ўзлаштиради. Бола тарбиясида унинг ёш жашарига, руҳият ва тушунчасига, феъл-атворига алоҳида аҳамият бериш зарурдир.

Хуллас, тарбия ишларини ҳамкорликда олиб бориш доимо ижобий натижа берган. Унинг ўз вақтида, етарли даражада берилиши оиланинг тинчлиги, хотиржамлигидир. Ҳар бир оила бахтли бўлса, маҳал-

бий таъсир кўрсатувчи ота-оналарни аниқлаб, маҳалла йиғинларида муҳофиза қилиб жамоатчилик таъсирини ўтказиш, лозим ҳолларда улар билан тегшли профилактик тадбирларни олиб бориш мақсадида фаоллардан бирини маҳалла қарори билан оталиққа олиш ёки қонун доирасида чоралар кўриш; ўз ҳудудидаги таълим муассасаларига иқтисодий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилишини қўллаб-қувватлаш; ота-оналар орқали болаларнинг ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, миллий гурур, ватанпарварлик, миллий одоб, байналмилаллик каби хислатларга ўргатиши ҳар томонлама рағбатлантириш; ёшлар шуғурига аждодларимизнинг тарбиявий ўғитларини сингдириб боришга жамоатчиликни сафарбар қилиш; нотинч оилаларни аниқлаш ва уларда содир этилиши мумкин бўлган келишмовчилик ҳамда низоларнинг олдини олиш; маҳаллада миллий давлатчилик ва мафкура ғояларини, республикамизда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда эришилган ютуқлар тарғиботини

га тушиб, билиб-билмай қадам бошқаришнинг аҳлиники ҳисобланади. Бу борада Юртбошимиз: «Маълумки, азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силлаш, туй-томоша, хашар ва маъракалари кўпчилик билан бамаънаҳад ўтказиш, яхши кунда ҳақиқатан ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Биз «Маҳалла – ҳам ота, ҳам она» деган ҳикматли нақлни ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қила-

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асариде «...Қадимий номларда ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи яққол ўз аксини топган. Масалан, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Пичоқчилик, Чархчилик, Кўнчилик, Дегрезлик, Тақачи, Эгарчи, Ўқчи, Заргарлик, Парчабоф сингари маҳалла номлари бу ерда хунармандчилик нақадар ривожланганидан, халқимизнинг азалдан ўтқор ҳаёт кечириб, юксак маданий турмуш даражасига эга бўлганидан далолат беради...» – деб эътироф этилган.

Маҳалла кичик маъмурий ҳудуд бўлиши билан бирга, турмуш тарзи, қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар умумийлиги билан боғланган кишилар жамоаси бирлиги бўлган. Тарихнинг турли босқичларида даврлар, тузумлар ўзгаришига қараб маҳалланинг вазифалари ҳам ўзгариб борган. Шунингдек, маҳалланинг асосий вазифалари – маросимларни биргаликда ўтказиш, ўз ҳудудида тартиб ўрнатиш, сақлаш ва ободончилик ишларини бажариш, ёш авлодни ижтимоий руҳда тарбиялаш, жамият ҳаётида тартиб сақлашни таъминлаш, барча анъанавий меъёрларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш, урф-одатларга риоя қилишдан иборат бўлган. Унинг раҳбари (оқсоқоли) ҳудуддаги барча ободонлаштириш ишларини биргаликда хашар йўли билан амалга оширган.

Маҳаллада инсонлар бир-бирлари билан ака-ўка, опа-сингил, биродар бўлиб, ҳар бир ҳонадондаги туй-маъракаи худди узлариникидай билиб ўтказишлари, ёшлар тарбиясига ҳам барча маҳалла аҳли масъул, ютуқ ва тарбия воситасига айланган. Маҳалланинг устуниги шундаки, бу ерда кўп йиллар давомида бирга яшаган, бир-бирини билган, синган, таниган кишилар истиқомат қилади. Улар ҳар бир оилаларда муҳити ва ҳар бир бола тарбиясини, ота-онанинг маҳаллада тутган ўрни ва обрў-эътиборини ҳамда оиланинг мавқе-имкониятларини яхши билишади.

Боланинг қандай инсон бўлиб етишувини ота-она тарбияси ва атрофдагиларнинг таъсирига боғлиқ. У ёшлиқдан ота-онани, ўртоқлари, шу ердаги кишилардан маънавий озиқ олади, уларга тақдир қилади, кўпгина урф-одатларни, ҳулқ-оқибатини ўзлаштиради. Бола тарбиясида унинг ёш жашарига, руҳият ва тушунчасига, феъл-атворига алоҳида аҳамият бериш зарурдир. Хуллас, тарбия ишларини ҳамкорликда олиб бориш доимо ижобий натижа берган. Унинг ўз вақтида, етарли даражада берилиши оиланинг тинчлиги, хотиржамлигидир. Ҳар бир оила бахтли бўлса, маҳал-

Юксак мукофот соҳиблари

МОҲИР МУТАХАССИС, МЕҲРИБОН АЁЛ

Бугунги кунда ички ишлар идораларида эркаклар билан бир сафда юзлаб хотин-қизлар ҳам хизмат қилмоқда. Улар аёллик вазифаларини ҳам, зиммаларидаги масъулиятли ишларни ҳам аъло даражада бажаришмоқда. Қуйида шундайлардан бири – Андижон вилояти ИИБ Ахборот маркази катта инспектори, катта сержант Муқаддас Мамадалиева ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.



Муқаддас Андижон шаҳрида серфарзанд оилада туғилди. Отаси эрта ҳаётдан кўз юмган, рўзгор ташвиши онасининг елкасига тушди. Башоратхон опа тўрт фарзандни оқ ювиб, оқ тараб воғая етказди. Улар ўқимасли бўлишлари, керакли касб-хунар эгаллашлари учун бор куч-ғайратини сарфлади. Муқаддас енгил сонаот техникумини тугаллаган, аввалига маиший хизмат соҳасида меҳнат қилди. 1993 йилда уни Андижон вилояти ИИБ хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига ишга тақлиф этилди. Бу ерда иш юритувчи вазифасида ишлаб туриб, Андижон муҳандислик-иқтисодий институтида сирдан таҳсил олди. Олий маълумотли бўлган «катта сержант» махсус унвони берилиб, вилоят ИИБ ШТБХга ўтказил-

ди. 2007 йилда катта сержант М. Мамадалиева вилоят ИИБ Ахборот маркази инспектори этиб тайинланди. Катта сержант Мамадалиева зиммасидаги вазифаларни ҳамisha талаб даражасида уқдайди, – дейди вилоят ИИБ Ахборот маркази бошлигининг ўринбосари, подполковник Муроджон Сотволдиев. – Утган йиллар мобайнида у ҳужжатлар устида ишлаш борасида бой тажриба тўплади. Шунинг учун иш фаолиятида ишомашароликка, чалқашликларга йўл қўймайди. Берилган топшириқларни ҳамisha ўз вақтида, аниқ ва тўлиқ бажаради. Муқаддаснинг табиятан жуда куйинчак. Ҳаммага ёрдам беришга ҳаракат қилади. Ҳар қандай одамнинг кўнглига йўл топа олади. Шунинг учун ҳам жамоадолларни уни яхши кўришади, ҳурмат қилишади.

Киргизистон Республикаси жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида жабр чеқканларга инсонларварлик ёрдами кўрсатиш чоғида М. Мамадалиева бошқа ҳамкасблари қатори Марҳамат туманида жойлашган лагерь ҳудудида жамоат тартибини сақлашга ўз хиссасини қўшди. – Жабр чеқканларнинг вақтин-

ча яшаши учун бу ерда барча шароитлар яратилган эди, – дея ҳикоя қилади катта сержант М. Мамадалиева. – Улар уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланди, эҳтиёж сезганларга тиббий хизмат кўрсатилди. Бир кун шом пайти кекса аёл ёнимга келиб, келини ва неварасини топа олмаётганини айтди. Суриштириб кўрсам, огир руҳий кечинмаларни бошидан кечиргани учун қайси палаткада яшагани эслолмаётган экан. Хуллас, келини билан неварасининг исмларини зўра эслади. Уни тиббий пунктга бошлаб бердим. Юз берган воқеа ҳақида лагерь бошлиғи подполковник И. Режавалиева ахборот бердим. У овоз кўчатиригич орқали аёлнинг яқинларига мурожаат қилди. Шу тарихда оила аъзолари тезда ўзаро топшишди.

Лагерьда вақтинча паноҳ топганларнинг аксарияти уйларига қайтишадиганда кўзларига ёш олиб Ўзбекистон ҳукуматидаги кўрсатилган гамқурилик, эътибор учун миннатдорлик билдиришди. – Мен ўз касбининг жуда севаман, – дея гапига давом этади Муқаддасхон. – Ҳаётда ўз ўрнини топинганим беҳад бахтиёрман. Соҳанинг сир-асроларини ўргатганлари учун устозларим подполковниклар Азиз Холдоров, Исроилжон Юсупов, майорлар Зоҳид Ақромов ва Дилором Ашуровадан бир умр миннатдорман. Халқимизга хос инсонпарварлик, бағрикенглик ва меҳр-мурувват фазилатларини намойён этгани, кўмакка муҳтож бўлган инсонларга ҳар томонлама берад ёрдам кўрсатиш йўлида фидойиларча хизмат қилгани, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига муносиб хисса қўшгани учун Андижон вилояти ИИБ Ахборот маркази катта инспектори, катта сержант Муқаддас Мамадалиева Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға мувофиқ «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди. **Борис КЛЕЙМАН, ўз муҳбиримиз.** Андижон вилояти. Суратда: катта сержант М. Мамадалиева.

Мулоҳаза

КИТОБНИНГ АФЗАЛЛИГИ

уни ҳеч нарсаға алмашиб бўлмайди

Бугунги кунда ёшларнинг китобга бўлган эътибори анча сусайгани сезилмоқда. Чунки интернет орқали китобдаги барча маълумот олишни улфар афзал кўришмоқда. Бироқ интернет ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб қолди, десак муволаға бўлмайди. Бир зумда барча қизиқтирган ва исталган маълумотни бу ердан олиш мумкин. Бундан ташқари унинг афзаллик томонлари шундаки, агар бирор бир информацияга эга бўлиш мақсадида кидирув белгисини боссангиз, ундан нафақат ўзингиз излаган нарсаларни, балки бошқа маълумотларни ҳам топасиз. Аммо бу интернетдан ўсириллар ҳам эркин фойдаланишлари керак дегани эмас. Чунки юқорида таъкидланганидек, излаган маълумот

билан қўшилиб, бошқа бир ёт маълумотлар ҳам намойён буларкан. Бу эса воғая етмаган ёшлар руҳиятига, тарбиясига сезиларли таъсирини кўрсатмай қолмайди, албатта. Интернетдан фойдаланмасликнинг иложи йўқ, бироқ унинг салбий томонларини ҳам инкор эта олмаимиз. Ҳўш, нима қилмоқ керак? Нега ёшлар китобдан кўра кўпроқ интернетга қизиқадилар? Бу борада Юнус Ражабий номидаги педагогика коллежи ўқитувчиси Марҳамат Усмонова шундай дейди: – Китоб ўқиш жараёнида ўқувчи бевосита тасаввур қилиш орқали ҳам ўша маълумотга эга бўлади, дунёқараши кенгайди. Энг асосийси, ўқиш жараёнида ўқувчи бошқа бир салбий маълумотлар билан чалғимайди. Интернетдан фойдаланиш пайтида эса бола-

римиз экранда чиқиб келаётган ҳаёсий суратлар-у, видеороликларни кўриб, узларининг интернетга нима мақсадда кирганликларини ҳам унутадилар. Тўғри, бугунги кунда интернетнинг қулай ва афзаллик томонлари бор. Унинг салбий томонлари эса муаммоларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ёшларнинг маънавиятини ўстиришга алоҳида эътибор бериш керак. Бунинг биринчи йўли уларнинг китобга бўлган қизиқишини ошириш, салбий ғоялар эса қалб қўзини кўр қилиб қўйиши мумкинлигини тушунтиришдан эринмаслигимиз лозим. Бу долзарб муаммонинг ечимини ота-оналар билан мактаб ўқитувчилари, маҳалладошлар биргаликда ҳал этишса, ёшлар қалбида китобга, мулоаага муҳаббат хисси янада кенг шаклланади. **Моҳчиҳра ЭШМИРЗАЕВА.**



Жаҳон чемпионати

ХАЙР ЖАР, САЛОМ, БРАЗИЛИЯ!

Миллионлар ўйини - футболга ким қизиқмайди, дейсиз. Бу аjoyиб спорт тури ишқибозларга олам-олам қувонч, кўтаринчилик ҳада қилиши билан ажралиб туради. Мана, ҳаш-паш дегунча катта футбол байрами - жаҳон чемпионати - 2010 бахслари ортда қолди. Тўрт йил орзиқиб, антикиб кутган кунлар бир зумда ўтиб кетди. Айтиш жоизки, бундай нуфузли мусобақа Африка қитъасида илк бор ташкил этилган бўлса-да, уни Жанубий Африка Республикаси юқори савияда ўтказди. Футбол бўйича XIX жаҳон чемпионати олдингиларидан қолшиман ҳолда мазмунли ва мароқли спектаклларга бўлибди.



Кавани, Форлан, Янсен, Хедира-лар киритган голлар ҳисоби 2:3 га етказди ва германияликлар мундиалнинг бронза медалига сазовор бўлди. Таъкидлаш жоизки, бу галги мундиалда Уругвай терма жамоаси аjoyиб ўрин намоиш қилиб, мухлислар ишончини ҳақи равишда қозона олди. Мусобақа давомида Диего Форлан бешта, Луис Суарес эса учта гол киритди. Бевосита ҳал қилувчи учрашув - финалга тўхталадиган бўлсак, Испания ҳужумкор ўйнади, деб айта олаймиз. Бироқ ҳужумларни ташкил қилди. Галаба учун астойдил ҳаракат қилди. Дастлабки ҳавфли рефери Ховард Уэбб «тўполончи»ларни тинмасдан сариқ карточка билан жазолайверди. Хуллас, биринчи бўлимда мухлислар интиқлик билан кутган гол киритилмади. Иккала дарвоза дахлсизлиги сақланми қолди. Иккинчи бўлим ҳам Испания терма жамоаси ҳужумлари билан бошланди. Учрашувда анча фаол ҳаракат қилган Хави берган зарбага бироз аниқлик етишмаган бўлса, голландияликлар ҳам ҳавфли қарши ҳужумлар уюштирдилар. 62-дақиқада «учар

голландлар»да яшигина имкониет юзага келди. Снейдер томонидан узокдан ошириб берилган тўпни Роббен қийинчиликсиз қабул қилиб олди ва тезкорлик билан ҳимоячиларни доғда қолдирди. Икер Касильяс билан бирга-бир чиқиб борган ҳужумчи дарвоза томон зарба берди. Бироқ дарвозабоннинг аниқ ҳаракати испанияликлар жонига оро кирди. Орадан бироз вақт ўтиб Вильяда яши имкониет юзага келди. Унинг зарбасига ҳимоячилар тўсиқ бўла олди. 77-дақиқада бурчақдан узатилган тўпни Рамос боши билан голландияликлар дарвозасини нишонга олди. Бироқ бунда бироз аниқлик етишмади. Учрашувнинг асосий вақти тугашига санокли дақиқалар қолганида Роббен анча ҳавфли вазиетни юзага келтирди. Ҳимоячилардан анча чаққонроқ ҳаракат қилган футболчини Пуйол қўли билан тўхташиб қолдиришга ҳаракат қилди. Голландия терма жамоаси ҳужумчиси эса тўқтатишни истамади. Дарвозабон билан рубару чиққан футболчи уни алдаб ўта олди. Роббен ҳақамга ўз норозилигини билдирганида учрашув рефериси уни сариқ карточка билан сийлади. Қўшимча дақиқаларнинг биринчи бўлимида Испания терма жамоаси аъзолари бир қатор



FIFA WORLD CUP Brasil

хавфли ҳолатларни юзага келтирди. 110-дақиқада Иньестага нисбатан Хейтинга кўпол ҳаракат қилди ва иккинчи сариқ карточкани олиб майдонни тарк этди. Бир нафар футболчи кам бўлиб ҳаракат қилган голландлар ўйиннинг 116-дақиқасида Иньеста берган зарбани қайтаришга олмади - 1:0.

Шундай қилиб Виенета дель Боске шогирдлари футбол тарихида биринчи мартаба жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлишди. 2008 йилги Европа чемпионатида галаба қозонган Испания терма жамоаси жаҳонда тенгсиз бўлди. Испания ҳақи равишда галаба қозонди.

Ха, шундай қилиб ўтган ойнинг 11 июнида бошланган катта футбол байрами ниҳоясига етди. Бир ой мобайнида бу мусобақа миллионлаб мухлисларга гоҳ қувончи, гоҳ аламли дамларни ҳада қилди. Энди 2014 йил Бразилия яшил майдонларида бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон биринчилиги бахсларини соғиниб қолайми.

Азизжон ФАЙЗИЕВ.

Хотира турнири

БОКСНИНГ ЯНГИ ЮЛДУЗЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида профессионал бокс бўйича бўлиб ўтган турнир 1993-2009 йилларда ИИБ Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юртига раҳбарлик қилган генерал-майор Ш. Ниёзов хотирасига бағишланди.



Ушбу турнир нафақат бокс усталири учун, балки Ш. Ниёзовнинг таниган, билганлар учун ҳам ўзига хос байрам бўлди. Хотира турнирида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги масъул ходимлари, ИИБ Тошкент Олий ҳарбий техника билим юрти раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари, шахсий таркиби ва курсантлари ҳамда генерал-майор Ш. Ниёзовнинг қадрдон дўстлари, қариндош-уруғлари қалбда чексиз ҳаёжон туйғуларни сезилиб турарди. Турнирни ИИБ Тошкент Олий ҳарбий техника билим юрти бошлигининг 1-ўринбосари, подполковник Екуб Сайдуллаев очиб берди ҳамда генерал-майор Шухрат Ниёзов эвазига юртининг содиқ фарзанди сифатида халқимиз қалбда ўчмас из қолдиргани, кўпга шогирдлар тарбиялаб юзага етказгани, шу боисдан ушбу турнирнинг муқаддас хотирасига бағишланганини айтиб ўтди. Мусобақалар чоғида ёнимда ўтирган Муъссар Наҳимовна Ниёзова кўз ёшларини тўхтата олмасди. Хойнаҳой, ўша лаҳзаларда унинг кўз олдидан Ш. Ниёзов билан бирга кечирган ҳаёти кино тасмасидек ўтган бўлса керак.

Турнир олдидан генерал-майор Ш. Ниёзовнинг ҳаёти йўлига бағишланган ҳужжатли фильм намоиши этилди, унинг хотираси ёдга олиниб, бир дақиқа сукут сақланди. Сўнг мусобақаларга старт берилди. Беллашувлари халқроқ тоифадаги ҳақамлар Ўзбекистон профессионал бокс федерацияси президенти Д. Эргашев ҳамда Н. Исмонов, Р. Наврузов, республика тоифасидаги ҳақамлар Р. Губанов, О. Курьяшов, Т. Адиллов ҳақамлик қилишди.

Биринчи беллашувда (69,855 кг. вазн тоифаси) андижонлик 26 ёшли Б. Юнусов профессионал боксда яқиндан қатнашаётганига қарамай виллоятдоши Э. Бозоров устидан ишонарли галабани кўлга киритди. Тўрт раунд давомида у тўхтовсиз ҳужумга ўтди. Рақибни асосан ҳимояни афзал билиб, унинг қарши ҳужумга ўтишга уринишлари қўзланган натижани бермади.

Андижонлик яна бир ёш боксчи Э. Фуломовнинг (90,719 кг. вазн тоифаси) профессионал боксдаги илк қиқиси ҳам муваффақиятли яқунланди. У ўз виллоятдоши Э. Раҳмоновни 2-раунднинг 2-дақиқасида техник нокаутга уратиб, галаба қозонди. Ун раунд давом этган сўнгги беллашув ниҳоятда кескин руда ўтди. Дастлабки дақиқаларда андижонлик А. Сотиболдиев (53,525 кг. вазн тоифаси) анча дадил жанг қилди. Аммо 5-раунддан устунлиқ тошкентлик Б. Абдурахмонов қўлига ўтди. У очқолар ҳисобига голиб чиқди ва энгил вазнда Ўзбекистон чемпиони белбоғининг соҳиби бўлди. Республикамикнинг 24 ёшли чемпиони Б. Абдурахмонов Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти 3-босқич талабаси.

Абдусуки, мен генерал-майор Ш. Ниёзовни танимас эдим, - дейди у. - Аммо генералнинг хотирасига бағишлаб шундай нуфузли турнир ўтказилаётганидан ҳам кўриниб турибдики, у аjoyиб инсон бўлган, узидан ёруғ из қолдирган. Узининг келгуси режаларимга тўхталадиган бўлсам, ҳам Ватанимизнинг содиқ, фидойи ўғлонлари хотирасига хурмат қилишарди. Бу инсон ўзининг ҳаётини аққол тасдигидир, - дейди Муъссар Ниёзова.

Кишини эслар экан, унинг хотираси ясайверарди, - дейди бокс бўйича жаҳон чемпиони, 1979 йилги Олимпия ўйинларининг кумуш медали соҳиби Руфат Рискиев. - Мен Шухрат Ниёзов билан ярим асрлик дўст, қадрдон эдим. Уни кўпга севишарди, хурмат қилишарди. Бу инсон ўзининг ҳаётини халқига, Ватанига хизмат қилишга бағишлади.

Надежда ЛИ. Суратда: хотира турниридан лавҳа. Шавкат ҚАҲҚОРОВ олган сурат.

Спортнинг турларида мухлислар ҳеч қачон гиромликни кеңиришмайди: айникса кураш ва миллионлар ўйини, яъни футболда бу нарсга аққол сезиларди. Шу боисдан оддий мухлис кураш ерга тегишини ва тўп дарвоза тўғрисида тушушини кутса, ҳақиқий томошабин эса спортнинг тирришқоқлиги ҳамда ҳақамнинг маҳоратини кузатади.

ЮРТИМИЗ ДОВРУҒИНИ ЖАҲОНГА ТАНИТАЯПТИ

Спортивнинг кўшган ҳиссаларини кўпнинг сонли мухлислар, жаҳон афкор омма-си узок вақт эслаб юрадиган бўлишди. Дастлаб Германияни, сўнг Голландияни Италия футболчиларини ва яна аллақанда жамоаларни баҳоратчилар аввалдан «чемпион бўлади» дейишганди. Бироқ учрашувларнинг мурасоси ўтгани-ю, ҳақамларнинг аниқ саъй-ҳаракати даъвогарларга аниқлик киритди. Ана шу мурасоси ўтган учрашувларда юртдошларимиз беш бор ҳақамлик қилиб, нафақат футбол бўйича ва техникаларини пухта билишини, балки ўзбекистонликларнинг тўғри, оқил, ҳалол ва софдиллик асосида иш олиб боришларини ҳам кўрсатди.

Тошкент халқаро аэропортида XIX жаҳон чемпионатида энг кучли ҳақамлар таркибидан жой олган ватандошларимиз Равшан Эрматов ҳамда Рафазль Илёсовларни кенг жамоатчилик олқишлари билан кўтирилиши. Карнай-сурнай садолари остида бошланиб кетган тадбир қувонч ва кутлаш, дил изҳорларига пай-васта бўлди. - Истиклол яратган эп-килар туйғайли, қолаверса, Ўзбекистонда тугайли, шу юртда умргузаронлик

қилаётганим билан фахрланаман, - дейди мундиалнинг энг кўп учрашувларида беш ҳақамлик қилган юртдошимиз Равшан Эрматов. - Давлатимиз раҳбари томонидан мамакатимизда спортга, энг аввало, футболни ривожлантиришга қаратилган улук даражадаги эътибор натижасида ёшларимиз, спортчиларимизни жаҳондагилар танишмоқда. Бундай эътиборни янада оқлаш бурчимиздир. Кези келганда, чемпионат жаъаёнида бизни кўллаб-қувватлаб турган барча мухлисларга, ҳамюртларимизга миннатдорчилик изҳор этиб, уларни яқин-

лашиб келаётган улук аёём - Мустақиллик байрами билан табриқлайман, - деди у. Мухтасар қилиб айтганда, мустақиллик йилларидаги сингари ҳеч қачон спортимиз ривожланиб, ёшларимиз четга танилманди. Энди эса барча турларда, халқаро майдонларда ёшлар юртимиз шарфини ҳимоя этиб, совринларни кўлга киритмоқда. Равшан Эрматов ва Рафазль Илёсовлар ҳам келажига янада порлок, элурт шаъни учун хушёр ҳамда масъулиятни бурчим деб билган ҳамюртларимиздандир. Абдусами ҚОДИРОВ.



ФОРЛАН - ОЛТИН ТЎП СОҲИБИ

Уругвай терма жамоаси ва Мадриднинг «Атлетико» клуби ҳужумчиси Диего Форлан футбол бўйича 2010 йилги жаҳон чемпионатининг «Энг яхши футболчиси» деб топилди ва олтин тўпни кўлга киритди. Бу номига эришишда уругвайлик ҳужумчи Уэсли Снейдер (Голландия) ва Давид Вилья (Испания)ларни ортда қолдирди. Форлан Уругвай терма жамоаси учрашувларида жами беш мартаба рақиб дарвозасини ишғол қилишга муваффақ бўлди. Журналистлар сўрови асосида уругвайлик футболчи жами овознинг 23,4 фоизини кўлга киритди. Голландия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Снейдер 21,8 фоиз овоз тўплаган бўлса, Давид Вильяга 16,9 фоиз овоз берилди.

Шунингдек, бу номига даъвогарлар орасида аввалроқ испаниялик Андрес Иньеста, Хави ва Давид Вилья, голландиялик Уэсли Снейдер ва Арвен Роббен, германиялик Бастиян Швайнштайгер ҳамда Месут Ўзил, Лионель Мессо (Аргентина), Асамоа Гьян (Гана) лар кўрсатиб ўтилганди.

ОЛТИН БУТСА КИМНИКИ?

Маълумки, олтин бутса мусобақада дарвозага энг кўп гол киритган футболчига берилади. Агар икки ёки ундан ортик футболчиларнинг киритган голлари сони тенг бўлиб қолса, унда ҳар бир футболчининг голларга кўмаклашгани (ассистентлик) ҳисобга олинади.

Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида кенган мурасосида беллашувларда тўрт нафар футболчи 5 тадан гол киритишга муваффақ бўлишди. Булар - Давид Вилья (Испания), Томас Мюллер (Германия), Уэсли Снейдер (Голландия), Диего Форлан (Уругвай). Фолб-лик эса Германия терма жамоасининг 20 ёшли футболчиси Томас Мюллерга насиб этди. У 5 та гол уриб, 3 та ассистентлик қилган. Кейинги ўринларни Давид Вилья ва Уэсли Снейдерлар банд этишди.

КАСИЛЬЯС - ЭНГ ЯХШИ ДАРВОЗАБОН

Испания терма жамоаси дарвозабони Икер Касильяс жаҳон биринчилиги мусобақасининг «Энг яхши дарвозабони» номинациясини кўлга киритди. Моҳир дарвозабон мусобақа давомида ўз дарвозасига икки мартаба тўп ўтказиб юборди. Уни швейцариялик Фернандес ва чилилик Парагвай терма жамоаси билан бўлган чорак финал учрашувларида Оскар Кордозо томонидан амалга оширилган пенальтини ҳам қайтаришга муваффақ бўлди. Финалда эса голландиялик футболчи Арвен Роббен билан бўлган «олишув»да голиб бўлди.

ЯНА МЮЛЛЕР

Германия терма жамоаси аъзоси ҳамда «Бавария»нинг йиғирма ёшли футболчиси Томас Мюллер мусобақанинг «Энг яхши ёш футболчиси» деб топилди. Эслатиб ўтамиз, 2006 йилги жаҳон чемпионатида ҳам германияликлар шундай номга сазовор бўлишганди. Унда Лукас Подольски ийгирига бер ёшида «Энг яхши ёш футболчи» деб эътироф этилганди. Ф. АЗИЗОВ.

Табриқлаймиз!

Самарқанд виллояти Иштихон тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлини маси ходими, сержант Музаффар ШОДМОНОВНИ тугайган куни билан самимий табриқлаймиз. Унга узок умр, бахт-саолат, хизматларида эса зафар ёр бўлишини тилаймиз. Доим соғ-саломат бўлиб юрсинлар.

